

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2004 йил 17 январь, шанба • №5 (11.600) • Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

ЭКИНЛАРНИНГ ПАЙҲОН ҚИЛИНИШИ ВА НОБУД БЎЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари қишлоқ хўжалиги экинларининг пайхон қилиниши ва нобуд бўлишининг олдини олиш муаммоларига етарли эътибор бермаётганликлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари ушбу долзарб масалага тўла жалб қилинмаётганлиги ва уларга нисбатан талабчанликнинг паслиги оқибатида, шунингдек, ҳуқуқий муҳофаза қилиш идоралари томонидан экинларнинг пайхон қилинишига йўл қўймаслик юзасидан етарли чора-тадбирлар кўрилмаётганлиги натижасида айрим хўжаликларга жиддий зарар етказилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг пайхон қилинишига Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Жиззах, Навоий ва Бухоро вилоятларида сезиларли равишда йўл қўйлаётганлиги ташвишли ҳолдир.

Қишлоқ хўжалиги экинлари, аввало, ризқу-рўзимиз бўлмиш галла майдонларини пайхон қилинишининг олдини олиш ва нобуд бўлиши ҳолатларига йўл қўймаслик юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар самарадорлигини ошириш ҳамда ушбу масалада тегишли идоралар раҳбарларининг масъулиятини янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари:
экинларнинг пайхон қилиниши ва нобуд бўлишига қарши тегишли чора-тадбирлар

кўрмаётганликлари ҳамда бу борада зарур назоратни таъминламаётганликлари учун қаттиқ огоҳлантирилсин;
қишлоқ хўжалиги корхона-

(Давоми 2-бетда).

ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРИЛДИ

13 январь куни Тошкент аэропорти ҳудудида рўй берган авиакатастрофада ҳалок бўлганлар орасида БМТнинг доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Ричард Конрой ҳам бор эди.

15 январь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев БМТ ваколатхонасига ташриф буюриб, мамлакатимиз раҳбарияти ва халқимиз номидан ваколатхона ходимларига ҳамдардлик билдирди.

Ў.А.

ИСТЕЪДОД ТАНЛОВИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Юқоричирчиқ туман кенгаши, унинг қошидаги «Камалак» болалар ташкилоти, халқ таълими, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлимлари ташаббуси билан Янгибозор маданият уйида «Истеъдод-2004» кўрик-танлови ташкил этилди.

Унда 20 нафар йигит-қиз шеърят, кўшиқ, рақс ҳамда сахна кўриниши йўналишлари бўйича ўз истеъдодларини намойиш этишди. Кўшиқ йўналишида 10-мактаб ўқувчиси Усмон Маҳкамов, рақс йўналишида 12-мактабнинг «Зилола» гуруҳи дастаси, сахна кўриниши ва шеърят

йўналишлари бўйича туман қурилиш-иқтисод касб-хунара коллежи жамоаси ва талаба Шаҳноза Алиева биринчи ўринга муносиб деб топилдилар.

Ғолиб ва иштирокчилар ҳомийларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КУВАЙТ ДАВЛАТИГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Кувейт Давлати Амири шайх Жобир ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ таклифига биноан 2004 йил 19-20 январь кунлари расмий ташриф билан Кувейтда бўлади.

Ташриф чоғида ўзаро муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган халқаро муаммоларнинг муҳокама этилиши ҳамда қатор муҳим ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

БОЛАЛАР СПОРТИ: ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент вилояти филиали Ҳомийлик кенгашининг 2004 йил 15 январда бўлиб ўтган йиғилишида жойларда болалар спортини ривожлантириш, оммавийлаштириш билан боғлиқ масалалар чуқур ва атрофлича таҳлил этилди.

Йиғилишда кенгаш аъзолари, вилоят ҳокимлигининг тегишли бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, шаҳар, туман ҳокимлари иштирок этдилар.

Унда вилоятда 2003 йил 4 июнь куни ўтказилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Ҳомийлик кенгаши йиғилиши баённомасида белгиланган тадбирларнинг бажарилиши ҳамда 2004 йил 9 январда ўтказилган Ҳомийлик кенгаши йиғилишида белгиланган вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар, жамғарма Тошкент вилояти филиалининг 2003 йилги

фаолияти натижалари ҳамда 2004 йилга мўлжалланган режалар кўриб чиқилди. Шунингдек, Бекобод шаҳри ва Оҳангарон туманида болалар спортини ривожлантириш, спорт иншоотларини барпо этиш дастурининг бажарилиши таҳлил этилди.

Йиғилишни вилоят ҳокими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент вилояти Ҳомийлик кенгашининг раиси Умнат Мирзакулов бошқарди.

Эътироф этиш керак, Тошкент вилояти аҳолини спортга жалб этиш борасида жуда катта салоҳиятга эга. Ҳозирги кун-

да жойларда 49 та стадион, 620 та спорт заллари 16 та сузиш ҳавзалари, 3034 та турли спорт майдончалари, 2 та от спортига ихтисослашган мажмуа мавжуд. Сўнги йилларда шаҳар ва туманларда болалар спортини ривожлантириш, умуман, спортни оммавийлаштириш борасида салмоқли ишлар қилинди. Ҳомийлар ҳисобидан ҳамда ҳашар йўли билан 86 та спорт заллари капитал таъмирдан чиқарилди, 35 та спорт иншоотлари реконструкция қилинди, 12 та янги спорт иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу мақсадлар учун 1 миллиард 700 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Спорт иншоотлари 400 миллион сўмлик спорт анжомлари билан таъминланди. Вилоят жамғармаси ҳисобига тушган 441 миллион сўм маблағнинг 100 миллион сўмига замонавий спорт анжомлари харид қилиниб, умумтаълим ва спорт мактабларига тарқатилди. 227 миллион сўм маблағ спорт иншоотларининг қурилишига сарфланди. Айни кунларда Ангрен шаҳ-

(Давоми 6-бетда).



Вилоят ҳокимлигига

ЯКУН ВА ТАҲЛИЛ

Шу йил 15 январь куни вилоят ҳокимлигида ижтимоий соҳалар ривожининг 2003 йил якуни ва 2004 йил вазифаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлигининг тегишли бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, жамоат ташки-

лотлари раҳбарлари иштирок этдилар. Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари — хотин-қизлар кўмитаси раиси Адиба Аҳмаджонова бошқарди.

(Давоми 2-бетда).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» - СИЗНИНГ
ГАЗЕТАНГИЗ!
Обуна бўлдингизми?

Эслатиб ўтамиз:
бизнинг индекс —
205.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ЭКИНЛАРНИНГ ПАЙҲОН ҚИЛИНИШИ ВА НОБУД БЎЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

лари раҳбарларининг экинларни пайхон қилиниши ва нобуд бўлиши ҳолатлари учун масъулиятини ошириш ҳамда мавжуд камчиликларни бартираф этиш бўйича шошилиш тадбирлар белгиласин;

экинзорларда чорва молларини боқиш, уларни қаровсиз қолдириш ва экинзорлар орқали ҳамма турдаги ҳаракатланувчи техника воситалари ўтиши, шунингдек, экинларнинг пайхон қилиниши ва нобуд бўлишига олиб келувчи бошқа салбий ҳолатларга қарши кураш чораларини янада кучайтирсин;

ички ишлар идоралари, қишлоқ хўжалиги корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла посбонлари билан ҳамкорликда экинларни пайхон қилинишининг олдини олиш бўйича мунтазам равишда рейдлар ўтказиш таъминласин;

қишлоқ хўжалиги экинлари пайхон қилиниши мумкин бўлган жойларда ташкил этилган кузатув постлари ходимлари ва дала қоровулларининг фаолияти самарадорлигини оширсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси қиш-

лоқ хўжалиги экинлари пайхон қилинишининг олдини олиш бўйича маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда жойларда тарбиявий-тушунтириш ишларини кучайтирсин.

3. Эътиборга олинсинки, амалдаги қонунчиликда экинзорларни пайхон қилганлик учун белгиланган жавобгарлик асосида:

чорва молларнинг экинзорларни пайхон қилиши, фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солишга;

экинзорларни техника воситаларида босиб ўтиш – энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу ҳуқуқбузарлик учун белгиланган жарима билан бир қаторда экинзорларни пайхон қилиш оқибатида келтирилган зарар айбдор шахс ҳисобидан қопланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов) қишлоқ хўжалик экинларининг пайхон қилини-

ши ва нобуд бўлишининг олдини олиш юзасидан ташкилий-профилактик тадбирларни мунтазам равишда ўтказиш ҳақида қўшимча тадбирлар белгиласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси (Р.Қодиров) қишлоқ хўжалиги экинларининг пайхон қилиниши ва нобуд бўлишининг олдини олишга қаратилган қонун ҳужжатлари ижроси устидан назоратни кучайтирсин.

6. "Ўзтелерадио" компанияси (А.Кўчимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқулов), Ўзбекистон республикаси Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов), оммавий ахборот воситалари қишлоқ хўжалиги экинлари пайхон қилиниши ва нобуд бўлишининг олдини олишга қаратилган амалдаги қонунчиликнинг тарғиб қилиниши ва бу йўналишда олиб борилаётган ишларнинг мунтазам равишда ёритилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари И.Жўрабеков ва Т.Худайбергенов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2004 йил 14 январь.

ЯКУН ВА ТАҲЛИЛ

Аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, кўрсатилаётган тиббий, маданий хизматлар савиясини кўтариш, ёшлар тарбияси, фарзандларимизга малакали билим бериш кўп жиҳатдан ижтимоий соҳалардаги ислохотларни чуқурлаштириш, белгиланган дастур ва тадбирларнинг қай даражада ижро этилаётганлигига боғлиқ. Шунинг учун ҳам, йиғилишда талабчанлик, аниқлик, қилинган ишларга муносиб баҳо бериш, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни очиб ташлаш, уларни бартираф этиш, муаммоларнинг ечимини топиш устуворлик қилди. Хусусан, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Комилжон Ақромов ўз ахборотида соғлиқни сақлаш соҳасида ислохотларнинг изчил бораётганлиги билан бир қаторда айрим шаҳар ва туманларда тиббий муассасаларни доридармон билан таъминлаш вилоятнинг ўртача даражасидан анча паст эканлигини очиб айтди. Шунингдек, тез тиббий ёрдам кўрсатиш машиналарининг етишмаётганлиги, тиббий муассасаларни малакали шифокорлар билан таъминлашдаги муаммолар ҳақида ҳам гапирилди.

520 мингдан ортиқ ўқувчи таълим олаётган 897 умумтаълим мактабда фарзандларимизга «Таълим тўғрисида»ги қонун асосида билим бериш биринчи даражадаги вазифи. Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Акмал Йўлдошев ўз ахборотида умумтаълим мактабларида амалга оширилаётган илғор тажрибалар, салмоқ-

ли натижалар билан биргаликда айрим муаммоларга ҳам эътиборни қаратди. Хусусан, мактабларни дарсликлар, ўқув анжомлари билан таъминлаш, уларнинг моддий-техника таъминотини яхшилаш сингари масалалар борки, улар билан ҳар куни шуғулланиш лозим.

Маълумки, сўнгги йилларда республикамизда ўрта махсус касб-хунар таълими тизимидаги коллеж ва лицейларни барпо этиш, уларда ёшларга замонавий билим бериш «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га киритилган устувор йўналишлардан биридир. Ҳозирги кунда вилоятдаги 74 та касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ёшлар билим олмоқдалар. 2003 йил мобайнида бу ўқув муассасалари 800 миллион сўмлик жиҳозлар, 165 миллион сўмлик ўқув адабиётлари билан таъминланди. Лекин, энг муҳим масала, бу тизимни битирган ёшларни иш билан таъминлаш, касблари бўйича йўналтириш ҳамда олий ўқув юртларида ўқишларини давом эттиришга эришишдир. Яширишнинг ҳолати йўқ, айрим туман ва шаҳарларда касб-хунар коллежларини битирган ўқувчилар эътибордан четда қолмоқда. Келгусида бу борада мониторинг ўрганишларни ўтказиш, аҳволни чуқур таҳлил этиш ва қўшимча чора-тадбирлар белгилаш зарурлиги таъкидланди.

Шу кун ижтимоий соҳаларга тааллуқли бошқа бўлим ва бошқармаларнинг ахборотлари тингланди ҳамда 2004 йилдаги устувор вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Муסיбат чегара билмайди

Жорий йилнинг 13 январь кун «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясига қарашли ЯК-40 русумли самолёти Тошкент аэропорти ҳудудида ҳалокатга учрагани маҳаллий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши билан бирга хориж матбуоти диққат марказидан ҳам жой олди.

Улар ҳалокат оқибатлари тўғрисида хабар тарқатиш билан чекланиб қолмай, жабрдийдаларнинг оила аъзоларига, хусусан, бутун ўзбек халқига ўз ҳамдардликларини ҳам билдирдилар.


Хориж матбуотининг хабар беришича, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси жаҳондаги энг хавфсиз йўловчи ташиш ташкилотларидан бири сифатида эътироф этилади.

Хусусан, «Си-Эн-Эн» телехизмати ҳалокат қурбонлари орасида БМТ доимий мувофиқлаштирувчиси ҳамда Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Ричард Конрой ҳам борлигини маълум қилар экан, халқаро ташкилот Бош котиби Кофи Аннанинг қуйидаги фикрларини келтиради: «Ричард Конрой Ўзбекистондаги фаолияти давомида чексиз матонат ва ирода соҳиб экинани намён этди». У ўз фаолияти давомида БМТ ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар ривожига муносиб ҳисса қўшди.

Шунингдек, АКШдаги «Уорлд Консёрн» ноҳукумат ташкилотининг Афғонистондаги вакили Ричард Пеннер ҳам ҳалокат қурбон бўлди. «Seattle Times» газетасининг ёзишича, у Ўзбекистон заминини ва унинг халқини чин дилдан ардоқлар эди. «Пеннер 20 йилдан ортиқ вақт мобайнида Афғонистон халқига беғараз ёрдам кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатди. Шу орада у Ўзбекистон ҳаёти билан ҳам яқиндан танишиб, ушбу мардондор халққа меҳр қўйган эди».

Ҳожа тафсилотлари жаҳоннинг етакчи ахборот агентликлари билан бир қаторда МДХ мамлакатлари матбуотида ҳам кенг ёритилди. Жумладан, Россиянинг деярли барча телеканаллари, минтақамиз маҳаллий ахборот агентликлари ҳам ҳожа тафсилотларини тезкорлик билан жамоатчилик эътиборига олиб чиқди.

«Жаҳон» АА.



Паркент туманидаги 5-ихтисослашган мактаб аниқ, ижтимоий ва табиий фанларни чуқур ўрганишга қаратилган бўлиб, унга туман ёшлари танлов асосида 7-синфдан қабул қилинади.

Бугунги кунда мазкур ўқув даргоҳида 234 нафар ўқувчи билим олмоқда. Айтиш керакки, бу ерда мактаб ўқувчиларининг ҳуқуқий билими, маданияти ва тушунчасини оширишда туман прокуратурасининг хизмати катта бўлмоқда.

– Улғайиб келаётган ёш авлод, аввало, ўзининг ҳақ-ҳуқуқи нималардан иборат эканлигини англаб етиши

Ўқувчиларнинг ҳуқуқий билими ошмоқда



керак, – дейди туман прокурори, адлия маслаҳатчиси Бекмурод Фориқов. – Шу сабабли туманимиздаги барча таълим муассасаларида навбати билан учрашув тадбирларини ўтказиб келаяпмиз.

СУРАТЛАРДА: Паркент тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси Бекмурод Фориқов ва туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи Хўжабой Асқаров 5-ихтисослашган мактаб ўқувчилари билан навбатдаги учрашув мулоқотини ўтказмоқда.

Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН

Оҳангарон тумани ҳокимлигида туман «Тадбиркор аёл» уюшмаси ташаббуси билан 5 кунлик ўқув-семинар ташкил этилди.

Ушбу семинар туманда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга ёрдам бериш, иш фаолиятини баъзи тушун-

мовчиликлар сабабли тўхтатиб қўйган ва бошлай олмаётган тадбиркорларга йўл-йўриқлар кўрсатиш, ижтимоий ҳимоя қилиш каби қатор

мақсадлар остида ўтказилди. Тингловчилар «Ҳуқуқ саводхонлиги», «Банк ва кредитлаштириш», «Якка тартибдаги тадбиркорлик», «Компьютер сабоқлари», «Маркетинг ва менежмент» мавзуларида малакали ҳуқуқшунос ва мутахассислардан билим ва кўникмалар олишди.

Ўткир ҚУАНДИҚОВ.

рининг Облик қишлоғида, Оққўрғон туманидаги «Оққўрғон» ширкат хўжалигида, Бўка туманидаги Маданият маҳалласида, Оҳангарон туманидаги Қорахтой қишлоғида ҳамда Куйичирчиқ тумани маркази Дўстобод кўрғонида замонавий спорт иншоотларини қуриш ишлари давом эттирилмоқда.

Бугунги кунда вилоятимизда 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларнинг сони 578178 нафарни ташкил этади. 2003 йилнинг 1 ноябрига келиб, уларнинг 28,5 фоизи дарсдан ташқари жисмоний тарбия машқларига жалб этилди.

— Лекин, бу натижалар бизни қаноатлантирмайди, — деди йиғилиш раиси. — Бугун масалага бошқача дунёқараш, ақлидрок ва масъулият билан ёндашиб, биринчи галда мавжуд имкониятлардан, спорт иншоотларидан самарали фойдаланиб, уларга кўпроқ аҳолини жалб этиш, бошқача қилиб айтганда, спортни оммавийлаштириш, йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, муаммоларнинг ечимини топиш устида ишлашимиз керак. Нега айрим туман ва шаҳарларда болалар спортини ривожлантириш, спортни оммалаштириш соҳасида салмоқли натижаларга эришилаётми, айрим туман ва шаҳарларда бу масалага ҳамон масъулиятсизлик билан ёндашиляпти деган саволга аниқ жавоб олишимиз зарур. Керак бўлса, бу жойлардаги

(Давоми. Боши 1-бетда).

БОЛАЛАР СПОРТИ: ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

ҳокимлар ва раҳбарларнинг ишига шунга қараб баҳо беришимиз лозим.

Бу қатъий фикр бежиз айтилмади. Айни пайтда 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларнинг Оҳангарон туманида бор-йўғи 6 фоизи, Бўка туманида 6,7 фоизи, Пскент туманида 6,9 фоизининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланаётганлигини қандай баҳолаш мумкин?

Вилоятдаги 897 та умумий-ўрта таълим мактабларининг 328 тасида спорт залларининг мавжуд эмаслигини айтиш ҳам оғир, албатта. Бу мактабларнинг аксарияти Бекобод, Янгийўл, Пскент, Бўка, Оққўрғон туманлари ҳудудида жойлашган. Чекка қишлоқларда спорт иншоотларининг етишмаётганлиги ҳам бор гап.

Юртбошимиз шу йил 9 ян-



Тошкент вилоятида ўтган стол тенниси бўйича "ТОП-12" турнирида мамлакатимизнинг энг кучли спортчилари қатнашди.

КУЧЛИЛАР БАҲҶСИ

Қизлар ўртасида Манзура Иноятовага тенг келади-ган теннисчи топилмади. Қолган совринли ўринлар Светлана Гета ҳамда Екате-

рина Левинага насиб қилди.

Эркаклар баҳсида иқтидорли спортчи Анвар Каримов маҳорат бобида анча

варда Оқсаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгаши йиғилишида айнан қишлоқ мактабларида спортни ривожлантириш, спорт майдонлари қуриш масаласига алоҳида эътиборни қаратди. Бугунги раҳбарларнинг энг асосий вазифаси мамлакатимизда олиб борилаётган давлат сиёсатини, унинг устувор йўналишларини, стратегик мақсадларимизни тўғри тушуниш, одамларимизнинг, хусусан, ёшларимизнинг эртанги кунини ўйлаш, бунинг учун муносиб шарт-шароит яратиб беришдан иборат эканлигини таъкидлади.

Йиғилиш раиси юқоридаги туманлар раҳбарлари ва иштирокчиларнинг ҳар бирига яна бир бор масаланинг моҳиятини тушуниб етиш ва жойларда болалар спортини ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга ана шу нуқтаи назардан ёндашмоқ зарурлигини етказди ҳамда аниқ вазифалар қўйди ва белгиланган тадбирларнинг ижроси юзасидан муддатлар белгилади.

Йиғилишда Бекобод шаҳри ва Оҳангарон тумани ҳокимларининг болалар спортини ривожлантириш борасида амалга ошираётган ишлар тўғрисидаги ахборотлари ҳам тингланди. Бу борада Бекобод шаҳрида қатор ибратли ишлар қилинган бир пайтда, Оҳангарон туманидаги ишлар талаб даражасида эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

тажрибали Алишер Комиловдан қолишмаслигини исботлаб, мусобақа голиби бўлди. Учинчи ўринга Александр Дюгай лойиқ топилди.



БАДМИНТОН. Тошкент шаҳридаги 110-мактабда бадминтон бўйича мусобақа ташкил этилди. Унда 17 ёшгача бўлган элликдан зиёд ўғил-қиз голиблик учун куч синашди. Яқкаликлар баҳсида Данил Холопицкий ҳамда Комила Каримова биринчи ўринни эгаллади. Жуфтлик баҳсларида Темур Каримов ва Александр Давидов, Комила Каримова ҳамда Татьяна Конила жуфтлиги галаба қозонди. Аралаш жуфтликлар беллашувида Улуғбек Хожиев ва Татьяна Конилага тенг келадигани топилмади.

ЭРКИН КУРАШ. "Динамо" спорт мажмуида эркин кураш бўйича Тошкент шаҳар очиқ биринчилиги бўлди. Унда 11 ёшдан 17 ёшгача бўлган 300 нафарга яқин спортчи йиғирма тўртта вазн тоифасида гиламга чиқди. Мусобақаларда "Келес", "Назарбек", "Динамо" жамоаларининг аксарият ёш курашчилари шоҳсупага кўтарилди.

БОКС. Тошкентда "Қишки таътил" соврини учун 15-17 ёшли спортчилар ўртасида ўтказилган бокс бўйича халқаро турнир якунланди. Унда вакилларимиз билан бирга Қозоғистондан келган иқтидорли ёш боксчилар 15 вазн тоифасида рингга чиқди. Умумжамоа ҳисобида пойтахтликлар биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин самарқандлик ёш боксчиларга насиб қилди. Учинчи поғонадан икки жамоа – Жиззах ҳамда Тошкент вилоятлари вакиллари жой олди.

ЎЗА.

ИСЛОМ ДИНИНИНГ БЕШИНЧИ УСТУНИ

Ислам динининг энг муқаддас байрамлари - Рамазон ва Қурбон ҳайитларидир. Рамазон ҳайити арафасида Ислам динининг асосий устунларидан бири - рўза ўз ниҳоясига етказилса, Қурбон ҳайити арафасида динимизнинг бошқа бир устуни - Муқаддас Ҳаж ибодати амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритганидан буён ҳар йили тўрт мингга яқин фуқаро ҳожилик унвонига сазовор бўлиш бахтига муяссар бўлмоқда.

Ҳаж ислом динининг бешинчи устуни ҳисобланади. У исломий тақвимга кўра Зул-Ҳижжа ойининг дастлабки икки ҳафта-сида амалга оширилади.

Республика Ҳаж ҳайъатидан олинган маълумотларга қараганда, 2004 йил 10 январь - 12 февраль кунлари Ўзбекистоннинг 3800 фуқароси Саудия Арабистонига бориб Ҳаж ибодатларини амалга оширишади. Уларга хизмат кўрсатувчилар ва тиббий ходимларни қўшиб ҳисоблаганда, бу йил республикамизнинг 4000га яқин фуқароси муқаддас Каъбани зиёрат қилиб қайтишади. Шу мавзуга бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича, Ўзбекистон мусулмонлар идораси, шунингдек бошқа

бўлишди. Бу сафар маҳалла идоралари ва туманлардан ҳам ариза топширувчилар сони Республика Ҳаж ишчи гуруҳи томонидан чекланмади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича, Ўзбекистон мусулмонлар идораси, шунингдек бошқа

мутасадди ташкилотлар масъулларидан иборат ишчи гуруҳ барча ташкилий ишларни амалга оширди. Саудия Арабистонининг Тошкентдаги элчихонаси эса белгиланган тартибда ўз вақтида ҳужжатларни расмийлаштириб берди.

Ҳаж маросими билан боғлиқ тўловлар миллий валютаимиз қадрининг мустаҳкамланганлиги учун ўтган йилларга нисбатан 20 фоизга арзонлаштирилди. Бунга авиачипта нархи, меҳмонхона тўловлари, Ҳаж «Авоид» солиғи, қурбонлик маросими, транспорт харажатлари, уч маҳал иссиқ овқат ва бошқа барча харажатлар кирди.

Вазирлар Маҳкамасининг Ҳаж ва Умра ишларини ташкил этувчи ишчи гуруҳ мажлисида белгиланган вазифаларга кўра, фуқароларимизни Саудия Арабистонига жўнатиш 10 январда бошланиб, 17 январга қадар давом этди. Уларни кутиб олиш ва меҳмонхоналарга жойлаштириш мақсадида 11 кишидан иборат ишчи гуруҳ 2003 йил декабрь ойидан бери Жиддада тайёргарлик ишларини олиб боришди. 27 кунга мўлжалланган Ҳаж сафаридан сўнг ҳожиларимиз 5-12 февраль оралиғида Тошкентга қайтишади. Бу мақсадда Ўзбекистон ҳаво йўллари миллий авиакомпанияси томонидан Тошкент-Жидда-Тошкент йўналиши бўйича 32та махсус рейс ташкил қилинган.

лзим. Бу гуруҳ сафар чоғида ҳожиларимизга миллий таомлар тайёрлаб бериш билан шуғулланади. Ўзбекистонлик расмий ходимлар орасида 78та эллик-боши, 25та ишчи гуруҳ аъзоси ва 20га яқин тиббий ходим бор. Шу билан бирга мамлакатимизнинг Саудия Арабистонидаги элчихонаси, Жиддадаги Бош консуллик вакиллари ҳам ташкилий ишларда фаол иштирок этишмоқда.

Саудия Арабистони ҳукумати ҳам ҳажга катта эътибор билан қарамокда. 2004 йил ўрта ҳисобда Саудия Арабистонига 160 мамлакатдан икки ярим миллиондан ортиқ ҳожилар ташриф буюриши кутилмоқда.

Саудия Арабистони Ҳаж ишлари вазирлиги Ҳаж маросимининг тўғри йўлга қўйилишини таъминлаш мақсадида диний мутахассислардан иборат 730 кишини кенгашир-назоратчи, 150 кишини таржимон этиб тайинлади. Мамлакат Ҳаж кўмитасида ва Ҳаж учун махсус ташкил этилган 59та марказда фаолият олиб борадиган бу мутахассислар турли мамлакатлардан ташриф буюрган ҳожиларнинг ибодатлари муваффақиятли ва шаръий жиҳатдан мукаммал амалга оширилишига ёрдам беришади. 30 мингга яқин махсус полиция кучлари эса Макка шаҳрида хавфсизлик чоралари таъминланиши учун хизмат қилишади.

Ҳожиларга қўшимча қулайлик яратиш мақсадида бу йилдан бошлаб Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятилик зиёратчилар божхона ва чегара расмиётчиликларини бевосита жойларда амалга оширдилар.

Авазбек БЕРДИҚУЛОВ,
«Жаҳон» АА.



Собиқ иттифоқ даврида бутун мамлакатдан йилига 10-15 киши, Ўзбекистондан 3-4 киши ҳажга борган бўлса, мустақиллик йиллари 40 мингга яқин фуқароларимиз Ҳаж ибодатини адо этиш имкониятига эга

Дала ишлари кундалиги



ИШ БОШИДАН ПУХТА БЎЛСИН

Ҳозир қиш. Лекин деҳқонларимиз аллақачоноқ янги мавсум таралдудини бошлаб юборганлар. Энг аввало улар асосий эътиборни мавжуд экин майдонларини тозалаш, шудгорлаш ишларига қаратдилар. Шу кунгача 125 минг гектардан ортиқ майдон чуқур ҳайдалди, лозим топилган ерларга қўшимча ўғит солинди ва экишга тахт қилиб қўйилди. Бу борада, айниқса, Зангиота, Қибрай, Паркент, Тошкент туманларида ибратли ишлар бажарилди.

Эндиги вазифа кунлар исиб, қулай фурсат келиши биланоқ экин-тикин ишларини бошлаб юборишдан иборатдир. Бунинг учун эса, ариқ-зовурлар сув равон оқадиган қилиб тозаланган бўлиши, техника шай ҳолга келтирилиши шарт. Вилоятда бу соҳада қўрилган чора-тадбирлар яхши самара бермоқда. Агар шу йилнинг 13 январигача бўлган маълумотни кўздан кечирсак, натижалар анча салмоқли эканлиги кўзга ташланади. Масалан, бу йил мўлжал бўйича вилоятда 545 километр узунликдаги хўжаликлараро каналлар, 317 километр узунликда зовурлар тозаланиши керак эди. Бу соҳадаги топшириқни муваффақиятли бажарилишига эришиш учун мавжуд техникалар тўла ишга туширилди. Натижада ҳозиргача 385 километр узунликдаги каналлар, 204 километр узунликдаги зовурлар тозаланди. Кўпгина туманлар бу борадаги топшириқларини тез кунларда бажариш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Бироқ, ганимат кунларнинг



СУРАТЛАРДА: Зангиота тумани «Бўзсув» ширкат хўжалиги. Сув муҳандиси (ўнгдан) Абдураззоқ Умаров ва ишчи Тўхтамурод Мадумаров; (пасда) Бекжон Қобилов ва Нурлан Бойшувовлар ички ариқларни тозалашда. Даврон АХМАД олган суратлар.

бир қисмини бой бериб, сусткашликка йўл қўяётганлар ҳам йўқ эмас. Чунки уларда белгиланган техникалар тўла ишламапти.

Худди шунингдек, хўжаликларда ички зовурларни тозалаш ишларини ҳам жадаллаштириш керак. Бу гаплар, айниқса, Оқўрғон, Бекобод, Бўка сингари туманларга кўпроқ тааллуқлидир. Улар бу соҳадаги камчиликларни тезроқ бартараф этмас эканлар, табиийки, экиш мавсуми бошланганда муаммоларга дуч келиб, қийналишлари турган гап.

Албатта, ерни экишга тайёрлаш, ариқ-зовурларни ўз вақтида ва сифатли тозалаш би-

лаш бирга техниканинг созлигини таъминлаш ҳам гоёт муҳимдир. Мутаассаддилар, хўжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислар ўз фаолиятларида бу масалага алоҳида эътибор беришлари, кундалик қилинаётган ишларни таҳлил этиб, эришилган ютуқлар нималардан иборат, камчиликларни бартараф этиш учун қандай қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилишини аниқлаб, ҳаракат қилишлари зарур. Ана шунда мавсум ўз вақтида ва уюшқоқлик билан бошланади. Экиш ишлари самарали яқунланади ва мўл ҳосилга пухта замин яратилади.

Носир РИХСИЕВ.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РАВНАҚИ УЧУН

Қишлоқ хўжалиги техникаларига лизинг беришга ихтисослашган «Ўзқишхўжмашлизинг» акциядорлик компанияси ўтган йили 33,9 миллиард сўмлик 1810 та лизинг битимларини имзолади. Бу 2002 йилга қараганда салкам етти миллиард кам демасдир.

2003 йилда пахтачиликда қўлланиладиган уч гилдиракли ТТЗ.11 трактор нархининг қимматлашуви битимлар сонининг камайишига сабаб бўлди.


Ўтган йили лизинг берилган техникалар жами улушида мазкур тракторлар 85 фоизни ташкил этади. Агар ушбу трактор баҳоси 2002 йилда 9 миллион 392 минг сўм бўлса, ўтган йилда 13 миллион 105 минг сўмга кўтарилган.

Айтиш керакки, «Ўзқишхўжмашлизинг» 1999 йилда акциядорлик жамияти сифатида ташкил

этилган. У «Ўзқишхўжмашлизинг» компанияси корхоналарида ишлаб чиқарилган техникаларни қишлоқ хўжалик корхоналари, МТПлар, деҳқон ва фермер хўжаликларига ижарага бериш билан шуғулланади. Лизинг олувчилар ўз маблағи ҳисобидан трактор нархининг 15 фоизини аванс сифатида тўлайди, қолган қисми эса республика Молия вазирлиги ҳузуридаги қишлоқни техникалар билан жиҳозлашни рағбатлантириш давлат жамғармаси томонидан «Ўзқишхўжмашлизинг»га қарз сифатида берилган маблағ ҳисобидан молиялаштирилади.

«Ўзқишхўжмашлизинг» ташкил этилганидан буён жами 111 миллиард 646 миллион сўмлик 6266 та битим тузди.

Т. АЛИМУҲАМЕДОВ,
«Туркистон-пресс».

УЛАРДЕК
БЎЛГИМ
КЕЛАДИ

Мен шоира бўлишни орзу қиламан. Худди Зулфия, Ойдин Ҳожиева, Қутлибека ва бошқа бир қатор шоирлар сингари. Унча-бунча машқ ҳам қилиб тураман.

Туманимиз газетасида шеърларим чоп этилади. Бироқ, ўз-ўзимдан қониқмаслик ҳисси мени доим таъкиб этаверади. Машқ қиламан, ёзаман, ўчираман, қайта кўчираман.

Устозим Назира опа «сенинг бундай ҳаракатинг ўз натижасини беради», дейдилар, менга йўл-йўриқ кўрсатиб турадилар.

Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар, деган нақл бор. Шундай экан, кўзга кўринган шоирларимиз мактаблари-

да билим олишни истайман, уларга ўхшаб ҳақиқий шоира бўлиш менинг энг олий мақсадим. Мен ўз орзуларим ҳақида бежиз сўз очмадим. Айтмоқчи-манки, ҳар бир инсон ҳаёти давомида бир мақсадни белгилаб олиши ва унга томон дадил қадам билан интилиши лозим. Шундагина манзилга етиш мумкин. Ахир, айтадилар-ку, интилганга толе ёр, деб.

Муҳайё НИҒМАТЖОНОВА,
Зангиота тумани.

МЕҲНАТНИНГ ЁМОНИ
ЙЎҚ, БИРОҚ....

Ҳар сафар бозорга борганимда, ёш-ёш ўсмирларнинг арава судраб юрганига кўзим тушади. Тўғри, тирикчилик, меҳнат қилиш, пул топиш керак, бунинг эса, айби йўқ.

Аммо, бу масаланинг бир тарафи. Иккинчи тарафдан қараганда, ҳали она сути оғзидан кетмаган болаларнинг тирикчилик важида кўча-кўйда дайдиб юришлари хунук оқибатларга олиб келмасмикин. Фарзандларимиз мактабдаги ўқишни ўлда-жўлда қолдириб, пул кетидан қувишса, ҳеч қандай маълумоти бўлмаса, бир умр арава тортиб бола-чақа катта қилишадими?

Масаланинг яна бошқа жиҳати бор. Чекка қишлоқлардан шаҳарга келиб, турли юмушлар

билан шуғулланаётган болаларни ким назорат қилади? Ота-она кўз ўнгидан четда юрган бу ўсмирларни ўғрилик қилмайди ёки бошқа ноқобил йўлга қирмайди, деб ким кафолат бера олади?

Хуллас, ўйимнинг охирига етолмайман, саволларимга жавоб тополмайман. Бироқ мени бир нарса қизиқтиради. Хўш, бу зайлда юрган болаларнинг келажаги нима бўлади?

Турсунхўжа АЗИМОВ,
Қибрай тумани, пенсионер.

ЧИНОЗДАГИ ИЛК ТАДБИР

2004 йил Мехр ва муруват йили деб эълон қилиниши муносабати билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими шаҳар ва туманларда турли тадбирлар уюштирмоқда.

Хусусан, Чиноз туманидаги 7-умумтаълим мактабининг кам таъминланган оилаларига мансуб бир гуруҳ ўқувчиларига совғалар топширилди. Ҳаракат вакиллари Фотима, Зухра, Муқаддас Рисбековалар хона-

донига ташрифи эса, шу ўқувчилар хотирасида узоқ сақланиши, шубҳасиз.

Лобар ПОЗИЛОВА,
ЎзДЖТУ қошидаги академик
лицей талабаси.

ХАТГА ЖАВОБ ОЛДИК

Тахририят Зангиота тумани Эркин қишлоғида яшовчи Х. Ортиқов, З. Иномжонов ва У. Пўлатовлар номидан шикоят хати олган эди. Хатда қишлоқ ҳудудидан ўтувчи Эркин кўчаси кечаю кундуз серқатновлиги, тунда эса қоронғу бўлиши, устига устак йўлнинг нотекислиги, икки тарафлама автомобиль қатнови учун ноқулайлик туғдириши ва бу кўнглисиз автоҳалокатларга сабаб бўлаётгани ҳақида ёзилганди.

Тўғри, йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари кўчада бир муддат тартиб ўрнатишган, аммо, кўп ўтмай, йўл-патрул постининг бошқа жойга кўчганлиги сабабли, аҳвол яна «эски ҳаммом», эски тос-лигича қолди, деб ёзилган мактубда.

Ушбу мактубда келтирилган далилларни ўрганиш мақсадида, хат туман ҳокимлигига жўна-

тилган эди. Сўровномамизга туман ҳокими А. Исабоев номидан жавоб хати олинди.

Унда шикоятда келтирилган далиллар қисман тасдиқланганлиги, 2004 йилнинг биринчи ярмида Эркин маҳалласида истиқомат қилувчи аҳоли ҳисобидан симёғочларга тунги ёритиш чироқлари ўрнатилиши белгиланганлиги, ариза муаллифлари келтирган йўл-патрул пости Эркин кўчаси билан Зангиота қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудини боғловчи кўчада фаолият юритаётганлиги сабабли бу ерда яна бир пост ташкил этиш мақсадаги мувофиқ эмаслиги айтилган.



Dushanba

19

«Ўзбекистон» телеканалли

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 «Кўшигимиз Сизга армуғон».
9.10 «Оқ айиқ ҳақида ҳақиқат». Ҳужжатли фильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгликлар.
10.05 «Камалак».
Болалар учун кинодастур.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
12.05 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача».

12.25, 13.55 ТВ анонс.
12.30 «Антика-шоу».
13.00, 14.30 ТВ клип.
13.10 «Ошин. Телесериал».
14.10 «Телеуста».
14.40 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Қизалоқ ва етти қария». Бадий фильм.
«Болалар сайёраси»:
16.00 1. «Ғаройибкентга саёҳат».
2. «Олтин тож».
17.00 «Балиқчи ва олтин балиқ ҳақида эртақ». Мультфильм.
17.30 «Бир жиноят изидан».
18.10 «Зумраша».
Ҳажвий киножурнал.
18.20 «Сарвиноз» ашула ва рақс ансамблининг

концерти.
18.40 «Юртимиз фидойилари».
19.00 ТВ клип.
19.05 «Мулқдор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 2004 йил - Мехр ва мурувват йили.
«Ҳиммат».
21.25 «Ошин». Телесериал.
22.10 «Келин-куёв». Телешоу.
23.25 «Ахборот-дай-жест».
23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканалли

17.00 Кўрсатувлар дастури.

17.05 «Янги авлод» почтаси.
17.20 «Ғозу-турналар». Мультфильм.
17.40 2004-Мехр ва мурувват йили.
«Фарзандим-жигарбандим». Видеофильм.
18.30 Ёшлар овози.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ - анонс.
19.40 «Мехр кўзда». Мактубларга шарҳ.
20.00 Мусиқий лаҳзалар.
20.10 Сув - ҳаёт манбаи.
20.15 Эрта сўнган юлдузлар.
20.35 ТВ - адвокат.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.

21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ - анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол.
0.30-0.35 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканалли

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
17.45 Болажонлар экрани.
17.55 «Хориж хабарлари».
18.00, 21.10 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Халқ саломатлиги йўлида».
18.30, 20.00, 20.35, 22.20 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал: «Комиссар Элоиза Ром».

Ром».
20.20 «Авто-news».
20.50 «Хусусийлашириш: қадам-бақадам».
21.20 «Инсон ва қонун».
21.40 ТТВда сериал: «Бибилиска пул».
22.40 Кинонигоҳ.
«Соябондаги оғу».
24.00-00.05 Хайрли тун, шаҳрим!

«Спорт» телеканалли

8.00 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
9.00 «Хабарлар».
9.15 Болалар спорти.
9.30-9.50 «Юрт ўғлонлари».
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар».
17.15 «Шоввозлар». Мультсериал.
17.35 «Олимп сари».
17.50 «Халқ ўйинлари».
18.00 «Бинафша».

18.20 «Спорт пайрови».
18.30 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Мени кутгил».
21.00 «Время».
21.30 «Хабарлар».
21.45 Жаҳон спорти: «Профф-РИНГ».
23.45 «Спорт технологияси».
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

16.55 Дастурнинг очилиши. 17.00 Маърифий дастур. 17.30, 20.45 «Телехамкор». 18.00 Кино: «Французча муҳаббат». 19.30 «Ошиқона». 19.50 «Баязет». Сериал. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 Кино: «Шоколад». 23.15 Спорт.

Seshanba

20

«Ўзбекистон» телеканалли

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Усимликлар дунёси», «Бор экан-да, йўқ экан».
9.20 Дутор, танбур тароналари.
9.40 «Рангин дунё».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгликлар.
10.05 «Мулқдор».
10.25 «Сехрли тун». Бадий фильм.
11.25 «Орзулар канотида».
11.40 «Туз ҳақида афсона». Мультфильм.
11.50, 15.05 ТВ клип.
12.05 2004 йил - Мехр ва мурувват йили.
«Ҳиммат».
12.25 «Экран хандаси».

12.55 «Бизнес ҳафта».
13.10, 16.50 ТВ анонс.
13.15 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Муносабат».
14.40 «Яхшилик».
15.15 Кундузги сеанс: «Онalar ва қизлар». Бадий фильм.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Остонаси тиллодан».
18.30 Мумтоз наволар.
18.40 «Тафсилот».
19.00 «ТВ Бинго миллионер». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Фарз ва қарз».

21.25 ТВ клип.
21.35 «Сарҳад билмас дўстлик».
21.55 «Ошин». Телесериал.
22.40 «Ахборот-дай-жест».
23.00-23.05 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканалли

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус, Бахтли болалик.
10.05 Тонгги сериал: «Рамаёна».
10.40 Саломат бўлинг.
11.00 «Давр» ҳафта болалик.
11.35 ТВ - адвокат.
11.40 «Гвадалупе». Телесериал.
12.20 Ёшлар овози.
12.40 Эрта сўнган

юлдузлар.
12.50 Мусиқий лаҳзалар.
13.00 Давр.
13.10 ТВ - анонс.
13.15 2004-мехр ва мурувват йили.
«Фарзандим-жигарбандим».
14.05 Интерфутбол.
15.45 Қишлоқдаги тенгдошим.
16.05 «Одам-амфибия». Бадий фильм.
17.40 ТВ-анонс.
17.45 Кўрсатувлар дастури.
17.50 «Янги авлод» студияси: Ёқимли иштаха.
18.10 Таянч.
18.30 Минг бир маслаҳат.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» - интервью.
19.50 ТВ - анонс.
19.55 Мусиқий лаҳзалар.
20.05 ХХ аср ўзбек шеърлятида.
20.10 Дийдор.

20.30 ТВ - адвокат.
20.35, 21.20, 22.35 Эълонлар.
20.40 «Гвадалупе». Телесериал.
21.25 Ёшлар овози.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ - анонс.
22.45 «Юзма-юз». Бадий фильм.
0.15-0.20 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканалли

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
17.45 Мультфильм.
17.55 «Хориж хабарлари».
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Билим» телеклуби.
18.30, 20.20, 20.50, 21.45 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал: «Комиссар Элоиза Ром».

20.20 «Хамшаҳарлар».
21.05 ТТВда сериал: «Бибилиска пул».
22.05 Кинонигоҳ.
«Олибсотар».
23.50-23.55 Хайрли тун, шаҳрим!

«Спорт» телеканалли

8.00 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
9.00 «Хабарлар».
9.15 Болалар спорти.
9.30 Белбоғли кураш.
10.00-10.15 «Спорт одимлари». Касаба уюшмалари спорт жаamiaларида.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар».
17.15 «Шоввозлар». Мультсериал.
17.35 Болалар спорти.
17.50 «Спорт клуб».
18.00 Бадий гимнастика бўйича Халқаро турнир.
18.20 «Спорт антракт».
18.30 Машҳурлар.
Людмила Семеняка.

19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?»
21.00 «Время».
21.30 «Хабарлар».
21.45 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».
23.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар». Сериал. 10.40 «Маърифий дастур». 11.10 «Кўрсичқон». Сериал. 12.00 «Шоколад». Фильм. 13.30 «Кора қарга». Сериал. 14.40, 19.30 «Ошиқона». 15.00 Телешоу. 16.00, 23.15 Спорт. 16.40 Ҳужжатли сериал. 18.00 «Омадсиз одам учун суперқайнона». Фильм. 19.50 «Баязет». Сериал. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 Кино: «Тайфельшпиц».

Chorshanba

21

«Ўзбекистон» телеканалли

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намоиш этади: «Маънавият хазинаси», «Афсонавий шаҳарда».
9.20 «Кўёшли юрт оханглари».
9.40 «Остонаси тиллодан».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгликлар.
10.05 «Тафсилот».
10.25 «Учувчининг парвози». Бадий фильм.
11.50, 13.50 ТВ клип.
12.05 «Сарҳад билмас дўстлик».
12.25 ТВ анонс.
12.30 «Изҳор». Мусиқий дастур.
12.45 «Қалб гавҳари».

13.05 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Фарз ва қарз».
14.30 Кундузги сеанс: «Тошда ҳам дарахт ўсади». Бадий фильм. 1-қисм.
15.35 «Ягона оилада».
16.05 «Олам». Телеальманах.
16.25 «Мувоzanат».
16.45 Мусиқий танаффус.
«Болалар сайёраси»:
16.55 1. «Туғилган кун». Теленовелла.
2. «Болалар ва катталар».
18.10 «Яхшилар ёди».
18.30 ТВ клип.
18.40 «Умид». Телелотерея.
19.05 «Ҳаёт ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртақлари».
20.15 «Юзма-юз».

20.30 «Ахборот».
21.05 «Журналист тахлили».
21.25 ТВ клип.
21.35 «Ошин». Телесериал.
22.20 «Омад-шоу».
23.05 «Ахборот-дай-жест».
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканалли

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 «Янги авлод» студияси: Ёқимли иштаха.
9.40 «Энг ширин қовун».
«Дангаса қиз». Мультфильмлар.
10.00 Тонгги сериал: «Рамаёна».
10.35 «Давр» - интервью.
10.50 ТВ-анонс.
10.55 Таянч.
11.15 ТВ - адвокат.
11.20 «Гвадалупе».

Телесериал.
12.00 Ёшлар овози.
12.20 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Сехрли камон».
12.30 «Мехр кўзда». Мактубларга шарҳ.
12.50 Мусиқий лаҳзалар.
13.00 Давр.
13.10 ТВ - анонс.
13.15 Болалар учун мультсериал: «Қиролликдаги саргузаштлар».
13.40 Дийдор.
14.00 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
14.40 ТВ - анонс.
14.45 «Доктор Жекил ва мистер Хайдинг саргузаштлари». Бадий фильм.
16.15 Жаҳон жуғрофияси.
17.05 ТВ - анонс.
17.10 Кўрсатувлар дастури.
17.15 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар, Соғлом авлод.
17.45 Йул бошида.
18.00 Ёшлар овози.
18.20 Сийрат.
18.40 Каталог.

18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ - анонс.
19.40 Автопатрул.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Мусиқий лаҳзалар.
20.20 Очил дастурхон.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Бир ўлкаки.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ - анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Ринг қироллари.
23.35-23.40 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканалли

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
17.45 Мультфильм.
17.55 «Хориж хабарлари».
18.00, 20.45 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Болажонлар экрани».
18.30, 20.00, 21.15,

22.10 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал: «Комиссар Элоиза Ром».
20.20 «Аёл-она, мураббий, раҳбар» телеклуби.
20.55 «Ҳимоя».
21.30 ТТВда сериал: «Бибилиска пул».
22.30 Италия киноси: «Оила шаъни».
00.30-00.35 Хайрли тун, шаҳрим!

«Спорт» телеканалли

8.00 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
9.00 «Хабарлар».
9.15 Болалар спорти.
9.30-9.50 «Спорт масканларида».
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар».
17.15 «Шоввозлар». Мультсериал.
17.35 Болалар спорти.
17.50 «Майдон ортида»
18.00 «Маҳалламиз паҳлавонлари». Кураш.

18.30 Е. Петросянинг Кулгу панорамаси.
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Заиф бўгин».
21.00 «Время».
21.30 «Хабарлар».
21.45 Жаҳон спорти: «Теннис».
22.45 «Спортимиз маликалари».
23.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар». Сериал. 10.40, 16.00, 23.15 Спорт. 11.10 «Кўрсичқон». Сериал. 12.00 «Тайфельшпиц». Фильм. 13.30 «Кора қарга». Сериал. 15.00 Телешоу. 16.40 Ҳужжатли сериал. 18.00 «Криминал бўлим». Фильм. 19.30 «Ошиқона». 19.50 «Баязет». Сериал. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 Кино: «Жаноб уддабурон».

Payshanba

22

«Ўзбекистон» телеканалли

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Туғилган кун». Теленовелла.
2. «Болалар ва катталар».
10.00, 12.00, 14.00,

18.00 Янгликлар.
10.05 «Катта бўлишни хохламайман». Бадий фильм.
11.15 «Ҳаёт ва қонун».
11.35 «Яхшилар ёди».
11.55, 12.45 ТВ анонс.
12.05 «Журналист тахлили».
12.25 «Истеъдод».
12.50 «Харакатда - баракат».
13.05 «Ошин». Телесериал.
13.50, 16.50 ТВ клип.

14.10 «Дунё бўйлаб».
14.30 Кундузги сеанс: «Тошда ҳам дарахт ўсади». Бадий фильм. 2-қисм.
15.45 «Омад-шоу».
16.30 «Мехрибон тулки». Мультфильм.
«Болалар сайёраси»:
16.55 1. «Кизикарли учрашувлар».
2. «Цирк, цирк, цирк».
18.10 «Ўзбеккино» тақдим этади: «Ўлмас Умарбеков».
18.35 Репортаж.
18.40 ТВ клип.
18.45 «Зийнат».
19.05 «Соғлом она - соғлом бола».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртақлари».
20.15 FCN «Ўзбекистон янгликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Долзарб мавзу.
21.25 «Ошин». Телесериал.
22.10 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
23.10 «Ахборот-дай-жест».
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар, Соғлом авлод.
9.50 Тонгги сериал: «Рамаёна».
10.25 Тафаккур ёлқинлари.
10.40 «Ўзбектелефильм» студияси намоиши.
11.00 Ёшлар овози.
11.20 «Гвадалупе».

Телесериал.
12.00 Чемпион сирлари (рус тилида)
12.20 Спорт китъаси (рус тилида)
12.50 Мусиқий лаҳзалар.
13.00 Давр.
13.10 ТВ - анонс.
13.15 Болалар учун мультсериал: «Қиролликдаги саргузаштлар».
13.40 Сийрат.
14.00 «Ақулалар». Ҳужжатли фильм.
14.50 Бир ўлкаки.
15.10 «Одам бўлмайди». Бадий фильм.
16.45 Автопатрул.
17.05 ТВ - анонс.

17.10 Кўрсатувлар дастури.
17.15 «Янги авлод» студияси: Кичкинтой-миз-гизингтоймиз, Шохсупа.
17.50 Кўёшли юрт одамлари.
18.05 Ёшлар овози.
18.25 Табобат оламида.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» - интервью.
19.50 ТВ - анонс.
19.55 Мусиқий лаҳзалар.
20.05 «Coscom» хабарлари.

20.10 Саёхатнома.
20.30 ТВ - адвокат.
20.35, 21.20, 22.35
Эълонлар.
20.40 «Гвадалупе».
Телесериал.
21.25 Бегойим.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ - анонс.
22.45 «Саргардон рух».
Бадий фильм.
0.10-0.15 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал
17.10 Курсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
17.45 Болажонлар экрани.
17.55 «Хориж хабарлари».
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Навнихол».

18.30, 20.00, 20.50, 21.45 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклиймиз-кутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал: «Комиссар Элоиза Ром».
20.20 «Бурч ва масъулият».
21.05 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
22.05 Кинонигоҳ, «Хоним ва қароқчи».

23.25-23.30 Хайрли тун, шаҳрим!
«Спорт» телеканал
8.00 «Бардам бўлинг».
Тонгги дам олиш дастури.
9.00 «Хабарлар».
9.15 Болажонлар спорти.
9.30-9.45 «Спорт менинг ҳаётим».
16.55 Курсатувлар тартиби.

17.00 «Хабарлар».
17.15 Бадий гимнастика бўйича Халқаро турнир.
17.35 Болажонлар спорти.
17.50 «Нокаут».
18.20 «Спорт клуб».
18.30 «Шунчаки Кулгу».
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини».
Сериал.
20.00 «Касб - Л. Ярмольник». Кизиқарли кино рункидан.
21.00 «Время».

21.30 «Хабарлар».
21.45 Оғир атлетика. Жаҳон чемпионати.
22.00 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».
23.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор».
9.30, 14.10 Болажонлар соати.
10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейн-жерлар».

Сериал. 10.40, 16.00, 23.15 Спорт. 11.10 «Кўрсичқон». Сериал. 12.00 «Жаноб уддабурон». Фильм. 13.30 «Қора қарга». Сериал. 15.00 Телешоу. 16.40 Хужжатли сериал. 18.00 «Паканани бошлаш». Фильм. 19.30 «Ошиқона». 19.50 «Баязет». Сериал. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 Кино: «Қора ой»нинг чиқиши.

JUMA
«Ўзбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болажонлар сайёраси»:
9.00 1. «Кизиқарли учрашувлар».
2. «Цирк, цирк, цирк».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиланган.
10.05 «Ўрмон китоби».
Бадий фильм.
11.55, 14.30 ТВ анонс.
12.05 «Зийнат».
12.25, 17.25 ТВ клип.
12.35 «Карз». Теленовелла.
13.00 Мумтоз наволар.
13.15 «Ошин». Телесериал.
14.10 Долзарб мавзу.
14.35 Кундузги сеанс: «Меҳраг ташна».
Бадий фильм.
«Болажонлар сайёраси»:

23
16.25 1. «Ёш юлдузлар».
2. «Ўйла, Изла, Топ!»
Телемусобақа.
17.35 «Нурли манзиллар».
18.10 «Тиббиёт одимлари».
18.25 «Чорраҳа».
18.45 «Куйла, ёшлигим».
19.05 «Хидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Бир жуфт кўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сийёсат оламида».
21.30 ТВ клип.
21.40 «ЎздЭУ авто Сиз учун».
21.55 «Ошин». Телесериал.
22.40 «Ахборот-дайжест».
23.00-23.05 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал
6.55 Курсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 «Янги авлод» студияси: Кичкинтой-миз-гижингтоймиз, Шохсупа.
9.55 «Кўнғирокгул».
Мультифильм.
10.05 Тонгги сериал: «Рамаёна».
10.40 «Давр» - интервю.
10.55 Минг бир масъулият.
11.15 ТВ - адвокат.
11.20 «Гвадалупе».
Телесериал.
12.00 Ёшлар овози.
12.20 «Ўзбектелефильм» студияси намойиши: «Зардўзлар».
12.30 Бегойим.
12.50 Мусиқий лаҳзалар.
13.00 Давр.
13.10 ТВ-анонс.

13.15 Болажонлар учун мультсериал: «Қиролликдаги саргузаштлар».
13.40 Куёшли юрт одамлари.
13.55 Саёхатнома.
14.20 «Самурайлар байроғи». Бадий фильм 1-қисм.
15.25 «Coscom» хабарлари.
15.30 «Самурайлар байроғи». Бадий фильм 2-қисм.
16.40 Очун.
17.05 ТВ - анонс.
17.10 Курсатувлар дастури.
17.15 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?, Кичкинтой театри.
18.00 «Мультмоша».
18.15 Хотира.
18.30 Аскар мактублари.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» - репортаж.
19.45 ТВ - анонс.
19.50 Мусиқий лаҳзалар.
20.00 2004 - Меҳр ва

мурувват йили. Азизим.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе».
Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол.
0.30-0.35 Хайрли тун.
«Тошкент» телеканал
17.10 Курсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
17.45 Мультифильм.
17.55 «Хориж хабарлари».
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 Болажонлар экрани.
18.30, 20.00, 21.10, 22.05 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклиймиз-кутлаймиз».

19.20 ТТВда сериал: «Комиссар Элоиза Ром».
20.20 «Навбатчи қисм».
20.50 «Эл хизматида».
21.25 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
22.25 Кинонигоҳ, «Жуманжи».
23.55-24.00 Хайрли тун, шаҳрим!
«Спорт» телеканал
8.00 «Бардам бўлинг».
Тонгги дам олиш дастури.
9.00 «Хабарлар».
9.15 Болажонлар спорти.
9.30-10.00 «Буюк Британияда спорт».
16.55 Курсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар».
17.15 «Кураш сабоқлари».
17.30 Болажонлар спорти.
17.45 Теннис. Осиё чемпионати.
18.15 «3-тайм». Футбол шарҳи.
18.30 Хужжатли фильм.
19.00 Теннис Осиё чемпионати.

19.50 «Мўъжизалар майдони».
21.00 «Время».
21.30 «Хабарлар».
21.45 «Футбол плюс».
22.15 «Ўзбекистон ифтихорлари».
22.30 «Спорт салтанати».
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болажонлар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнжерлар» Сериал. 10.40, 16.00, 23.15 Спорт. 11.10 «Кўрсичқон». Сериал. 12.00 «Қора ой»нинг чиқиши». Фильм. 13.30 «Қора қарга». Телесериал. 14.40, 19.30 «Ошиқона». 15.00 Телешоу. 16.40 «Хужжатли сериал». 18.00 «30-канал»да ринг қироллари. 18.50 Юмор дастури. 19.50 «Баязет». Сериал. 21.05 «Клип-совға». 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 Кино.

Shanba
«Ўзбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болажонлар сайёраси»:
9.00 1. «Ёш юлдузлар».
2. «Ўйла, Изла, Топ!»
Телемусобақа.
10.00 «Хидоят сари».
10.20 «Мусиқа дунёси».
10.40 «Бу турфа олам».
11.30 «Чорраҳа».
11.50, 15.10 ТВ клип.
12.00 «Орзуманд юраклар». Бадий фильм. 1-қисм.
13.25 Эстрада тароналари.
13.45 «Орзуманд юраклар». Бадий фильм. 2-қисм.
15.20 «Дўстлик» студияси: 1. «Ўзбекистон - умумий уйимиз». 2. «Умид». 3. «Мзурит».

24
16.20 «Куч - билим ва тафаккурда».
16.35 «Изҳор».
16.50 Телевизион миниатюралар театри.
17.20 «Рангин дунё».
17.40 «Саргузаштлар ороли». Телешоу.
18.10 «Қалб гавҳари».
18.30 «Интеллектуал ринг». Телеуйин.
19.15 «Ўзлото». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиланган» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Кўшигимиз Сизга армуғон».
21.30 «Гап чиқди».
22.10 «Ахборот-дайжест».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.

22.30 «КиноТеатр».
22.50 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Анна ва қирол». Бадий фильм. 1-қисм.
00.05-00.10 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
6.55 Курсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Давр» - репортаж.
9.25 ТВ - анонс.
9.30 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?, Кичкинтой театри.
10.15 Табобат оламида.
10.40 «Гвадалупе».
Телесериал.
11.20 Бола тилидан.
11.50 Интерфутбол.
13.30 «Бойлик изтироби». Бадий фильм 2-қисм.
14.10 Қишлоқдаги

тенгдошим.
14.30 Жаҳон мусикаси хазиначидан Россини.
«Золушка» операси 1-қисм.
15.55 Мультифильм.
16.05 «Золушка» операси 2-қисм.
17.30 Курсатувлар дастури.
17.35 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма.
18.00 Саломатлик сирлари.
18.20 Бизнес - академия.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» - репортаж.
19.45 ТВ - анонс.
19.50 Мусиқий лаҳза.
19.55 Кутилмаган меҳмон.
20.20, 21.10, 22.35 Эълонлар.
20.25 «Бойлик изтироби». Бадий фильм. 3-қисм.
21.15 Оҳанрабо.

22.00 Давр.
22.40 ТВ - анонс.
22.45 Кинотақдим.
23.05 «Сўнгги чора».
Бадий фильм.
0.35-0.40 Хайрли тун.
«Тошкент» телеканал
17.10 Курсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
17.45 «Мультичархпалак».
18.05, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Экран зийнати ва киймати».
18.45 «Мисли гавҳар».
19.00 «Афиша».
19.20 «Табриклиймиз-кутлаймиз».
19.50 «Хусусийлаштириш: қадим бақадар».
20.10 «Жаҳон географияси».
20.40 «Нима учун?»
21.10 ТТВда сериал: «Комиссар Элоиза Ром».
22.00 Кинонигоҳ, «Америка туни».
23.50-23.55 Хайрли тун, шаҳрим!

«Спорт» телеканал
8.00 «Бардам бўлинг».
Тонгги дам олиш дастури.
9.00 «Хабарлар».
9.15 Болажонлар спорти.
9.30 «Мотоспорт».
9.50 «Юрт ўғлонлари».
10.10 «Лаззат».
10.20 «Турли лента».
Леонид Гайдай.
11.10 «Немони излаб».
Мультифильм.
12.55 «Спорт технологияси».
13.10 «Кечаги курсатувлар тартиби».
14.00 Дисней клуб: «Тимон ва Пумба».
14.20 «Ақлилар».
15.00-16.00 Э. Рязановнинг муаллифлик курсатуви.
16.55 Курсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар».
17.15 «Олимп сари йўл».
17.30 Болажонлар спорти.
17.45 «Спорт менинг ҳаётим. Чавандоз».
18.10 «КВН-2003».

Премьер-лига. Финал.
20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?»
21.00 «Время».
21.25 «Спорт антракт».
21.30 «Хабарлар».
21.45 Жаҳон спорти. ФИФА (футбол ичида, футбол атрофида).
22.45 Футбол Мундиал.
23.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 «Телехамкор». 9.30 Мультифильм. 10.00 Болажонлар учун фильм. 11.30 «Оламга нигоҳ». 12.00 Кино. 13.40 Хужжатли фильм. 14.30 Хинд киноси. 17.00 Телеуйин. 18.10 Кино. «Дугонам-куз». 19.45 «Ошиқона». 20.00 «Спорт-экстрим». 21.05 «Дэниэл Стилнинг тўпланмаси». Сериал. 22.00 Кино: «Маверик». 23.45 Мусиқий дастур.

Yakshanba
«Ўзбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак».
Болажонлар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Бу турфа олам».
12.10 «Кўхна замин оҳанглари».
12.25 «Сёғун». Бадий фильм. 1-қисм.
13.25 «Интеллектуал ринг».
14.10 «Сёғун». Бадий фильм. 2-қисм.
15.10 ТВ анонс.
15.15 «Дўстлик» студияси: 1. Рангинкамон. 2. «Дидар». 3. «Чинсэн». 4. «Гардашлиг дунёсинда».

25
16.35 «Гап чиқди».
17.15 «Портретга чизгилар».
«Болажонлар сайёраси»:
17.35 1. «Улғайиш поғоналари».
2. «Олтин тож».
18.30 «Иқтидор».
Интеллектуал телеуйин.
19.10 «Бизнес ҳафта».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)
20.05 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача».
20.30 «Тахлилнома».
21.15 2004 йил - Меҳр ва мурувват йили.
«Яхшилик».
21.50 Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева куйлайди.
«Якшанба кинозали».
22.20 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Анна ва қирол». Бадий фильм.

2-қисм.
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
6.55 Курсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
Информацион дам олиш дастури.
9.00 ТВ - анонс.
9.05 «Давр» - репортаж.
9.15 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма.
9.40 «Айёр қарға».
Мультифильм.
9.50 Очил дастурхон.
10.10 Оҳанрабо.
10.50 Томорқа.
11.00 «Заковат» интеллектуал уйини.
11.50 «Ёшлар» телеканалда ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1.Марди майдон. 2.Аскар мактублари.
12.30 Ринг қироллари.
13.20 Мусиқий лаҳзалар.
13.30 «Бойлик изтироби». Бадий фильм 3-қисм.

14.15 2004 - Меҳр ва мурувват йили. Азизим.
14.55 «Ёшлар» телеканалда премьераси: «Оловуддин». Мультифильм.
16.20 Ёшлар овози.
16.40 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
17.30 Курсатувлар дастури.
17.35 «Янги авлод» студияси: Катта танафус, Келинг, танишайлик.
18.15 Дилшод Раҳмонов куйлайди.
18.35 Спорт ҳафтанома.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр» - news.
19.20 ТВ - анонс.
19.25 Мусиқий лаҳзалар.
19.40 Сув - ҳаёт манбаи.
19.45 «Мунис лаҳзалар». Жўрабек Раҳимов.
20.05, 20.55, 22.35 Эълонлар.
20.10 «Бойлик изтироби». Бадий фильм 4-қисм.

21.00 «Қилни қирқ ёриб». Интеллектуал уйин.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта ичида.
22.35 ТВ - анонс.
22.40 «Мудҳиш хато».
Бадий фильм.
0.10-0.15 Хайрли тун.
«Тошкент» телеканал
17.10 Курсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
17.45 «Эртақларнинг сеҳрли олами».
19.25, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.
19.35 «Табриклиймиз-кутлаймиз».
20.05 «Жаҳон географияси».
20.35 ТТВда сериал: «Комиссар Элоиза Ром».
21.15 «ТВ плюс».
22.25 Кинонигоҳ, «Тақдир уйини».
24.00-00.05 Хайрли тун, шаҳрим!

«Спорт» телеканал
8.00 «Бардам бўлинг».
Тонгги дам олиш дастури.
9.00 «Хабарлар».
9.15 «Кувнок стартлар».
9.45 «Рақибингиз гроссмейстер».
10.00 «Соғлом овқатланиш сирлари».
10.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
10.30 «Хамма уйдалигида».
11.00 «Тўй кураши».
11.30 «Табиятушонос билан саёҳат».
12.00 Л. Ярмольник «Чорраҳа» комедиясида.
14.15-14.40 Дисней клуб: «Мики Маус ва унинг дўстлари».
16.55 Курсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар».
17.15 «Спорт менинг ҳаётим».
17.30 Волейбол.

Ўзбекистон чемпионати.
18.00 «Чемпион бўлиб тугилмайди».
18.20 «Аншлаг».
19.00 «Кумуш ранг кўнғирок гул».
Бадий фильм.
21.00 «Время».
21.45 «Хабарлар».
22.00 Жаҳон спорти. Еврофутбол.
23.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 11.30, 17.40, 20.45 «Телехамкор». 9.30 Мультсериал. 10.00 Болажонлар учун фильм. 12.00 Кино: «Маверик». 13.40 Хужжатли фильм. 14.30 Кино: «Шиша идишдаги хат». 16.30 Маърифий дастур. 17.00 Телеуйин. 18.10 Кино: «Дугонам-куз». 19.45 «Ошиқона». 20.00 «Спорт-экстрим». 21.05 «Дэниэл Стилнинг тўпланмаси». Сериал. 22.00 Кино: «Музлатилган». 23.45 Спорт шарҳи.

XVII asr va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

Eng
songi
xabarlar

ИСРОИЛ:

ИЧИМЛИК СУВИ ТАНҚИС

Исроил ичимлик суви кескин муаммо бўлиб турган мамлакатлардан. У кунига 50 миллион куб метр тоза ичимлик суви сотиб олади. Мутахассисларнинг фикрича, бу аҳолидаги сувга бўлган йиллик эҳтиёжнинг атиги 3 фоизини қопламоқда, холос.

Яқинда мамлакат парламенти Туркиядан тоза ичимлик суви сотиб олиш борасидаги режани тасдиқлади. Исроил ҳукумати мазкур режани сув ташиладиган махсус танкерлар ишлаб чиқилганидан сўнг, 2006 йилдан амалга ошироқчи.

Мамлакатда тоза сувга бўлган кунлик эҳтиёж 1,5 миллиард куб метрни ташкил қилади. Аҳоли сонининг кун сайин ошиб бораётгани туфайли талаб ҳам шунга яраша бўлмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, Туркиядан харид қилинадиган сувнинг куб метри тахминан бир АҚШ долларига тенг. Бу эса денгиз суви яроқли ҳолга келтириш учун сарфланадиган харажатга нисбатан анча кам.

Шунга қарамай, мамлакат молия вазирлиги шўр сувни тозалашни маъқул кўрмоқда. 2006 йилга бориб, мамлакатдаги сувни қайта ишлаш корхонаси яна фаолият юрита бошлайди. Бу ерда илгари кунига 110 миллион куб метр сув тозаланади.

ШАРҚИЙ ОСИЁ:

ЯНА БИР ХАСТАЛИК

Шарқий Осиё мамлакатларида бу йил яна бир юқумли касаллик тарқалди. Мутахассисларнинг фикрича, «парранда гриппи» деб аталаётган бу офат одамларга жиддий зиён келтириши мумкин.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотидан (ЖССТ) билдирилишича, «парранда гриппи» вируси одамдан одамга ўтиши «ўрганиб олса», бу офат олдида ғайриоддий зотилжам ҳеч гап бўлмай қолади.

ПАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг ёзишича, «парранда гриппи» ҳозир, айниқса Вьетнамда тез тарқалмоқда. Расмий хабарларга қараганда, хасталикка чалинган паррандалар сони бир миллионга етган. Пойтахт Ханойда 12 киши ҳаётдан кўз юмган. Уларнинг аксарияти болалар. ЖССТ вакиллари таъкидлашича, шуларнинг уч нафари «парранда гриппи»дан нобуд бўлгани аниқ.

Бундан ташқари, хасталик Жанубий Корея, Япония ва Сянганда ҳам паррандаларга қирон келтирмоқда.

Мутахассислар гарчи мазкур касаллик паррандалар орасида учраса-да, унинг одамларга юқиш эҳтимолидан ташвишланмоқда. Вирус одам организмга ўтса, унинг кўпайишига йўл очилади.

Олимларнинг таъкидлашича, паррандаларда 15 хил вирус учрайди. Вьетнамда шулардан Н5 вируси тарқалган. Касалликнинг ушбу тури паррандаларда оғир хасталикни келтириб чиқаради ва кўп ҳолатда ўлимга олиб келади.

ҲИНДИСТОН ВА ПОКИСТОН: МУНОСАБАТЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Ҳиндистон ва Покистон муносабатларида ижобий ўзгаришлар кузатиламоқда. Икки мамлакат ўртасида транспорт алоқаларининг қайта йўлга қўйилиши ушбу фикрнинг далилидир.

Икки мамлакат ўртасида темир йўл қатнови ҳам йўлга қўйилди. Покистоннинг Лаҳор шаҳридан «Дустлик экспресси» Деҳли томон жўнаб кетди.

Икки мамлакат ҳукуматлари қувурлар орқали газ ва нефть маҳсулотларини ташиш масаласида ҳам келишувга эришди. Деҳлида энергия захиралари муаммосига бағишланган халқаро анжуманда Эрондан Ҳиндистонгача ётқизиладиган газ қувурини Покистон орқали ўтказишга келишилди.

Шарҳловчи минбари

ЕВРО ТОБОРА ҚИММАТЛАШАЯПТИ

Евронинг АҚШ долларига нисбатан қиймати ўсишда давом этмоқда. Мазкур ҳолат Европанинг молия соҳасидаги етакчи мутахассисларини ташвишлантириб қўйди.

Ҳозир 1 евро 1,28 АҚШ долларига тенглашди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йигирма фоиз кўпдир. Европа валютасининг кескин қимматлашуви еврозолага кирувчи мамлакатлар иқтисодиётига салбий таъсир кўрсата бошлади.

Европа Иттифоқининг (ЕИ) савдо масалалари бўйича комиссари Паскал Ламининг фикрича, евронинг қимматлашуви Европа маҳсулотлари бозорининг касодга учраши арафасида турганидан дарак беради. Унинг таъкидлашича, евро нархининг бу даражада кўтарилиши кутилмаган ҳолдир.

Қимматлашувни тўхтатиш юзасидан европалик мутахассислар турли таклифларни илгари сурмоқда. Германия савдо ва саноат палаталари уюшмаси раиси Людвиг Георг Браун Европа марказий банки (ЕМБ) томонидан ҳисоб ставкаларини камайтириш орқали евро нархининг ошишини бирмунча чеклаш мумкинлигини айтиди.

АҚШнинг машҳур иқтисодчи олимларидан бири, Нобель мукофоти совриндори Жозеф Стиглиц ҳам унинг фикрини қўллаб-қувватламоқда. Олимнинг таъкидлашича, банк ставкаларининг камайтирилиши евронинг алмашув курсини барқарорлаштириши мумкин.

Ҳозир еврозолага кирувчи ўн икки мамлакатда банк ставка-



лари икки фоизни ташкил этади. Ж.Стиглиц Европа марказий банки мазкур кўрсаткични 0,25 фоиз камайтириши зарур, деган фикрда.


Бироқ таклиф банк раҳбарияти томонидан маъқулланмапти. Бошқарувчилар кенгаши йиғилишида бир овоздан асосий ставкаларни 2 фоизлик кўрсаткичда қолдиришга қарор қилинди.

Банк раҳбари Жан-Клод Трише журналистлар билан учрашувда евро нархининг ошиши Европа мамлакатлари экспорт салоҳиятига жиддий зарар етказишини эътироф этди. Лекин шундай бўлса-да, у жорий йилда минтақа иқтисодий аҳолининг яхшиланишига умид билдирди.

ПАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарларга қараганда, банк раҳбарияти ҳозирча кескин чоралар қўллашга ҳолат сезмаяпти. Евро 1,35 долларга тенглашгандагина ставкалар камайтирилиши мумкин.


Евро 1999 йилда муомалага киритилган эди. Ўтган тўрт йил мобайнида Европа марказий банки 15 марта асосий ставкаларни камайтirdi. Сўнгги марта банк ставкалари 2003 йил июнда 2,5 фоиздан 2 фоизга туширилган эди. Бу Европа мамлакатлари тарихида охириги эллик йилдаги энг паст кўрсаткичдир.

Саидмурод
РАҲИМОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.



Жанубий Америкадаги инклар қабиласи барпо этган шаҳар.

Турфа олам



ОЙГА САФАР ТАРАДДУДИ

Марс сайёраси томон юборилган «Спирит» тадқиқот қурилмаси «Қизил сайёра»га кўнишга тайёргарлик кўраётган бир пайтда АҚШнинг НАСА агентлиги Ойга янги экспедиция юбориш режасини тахт қилиб қўйгани маълум бўлди. Дастурга кўра, яқин ўн-ўн беш йил ичида Ойда инсон ҳаёт кечирishi учун зарур бўлган шарт-шароит яратилади ва бу одамни Марсга юбориш лойиҳасининг бошланғич қисми бўлади.

Аслини олганда, Ойни эгаллаш билан боғлиқ режалар АҚШ президентининг отаси – катта Жорж Буш ҳукумат тепасида бўлган пайтда ишлаб чиқилган. Лекин, ўша йиллари кўзда тутилган сарф-харажатларнинг ҳаддан зиёд катталиги (400-500 миллиард доллар) конгрессга маъқул келмаганди.

Бевосита Оқ уй раҳбарияти томонидан илгари сурилаётган ташаббус рўёбга чиқиши учун 10-15 йил ва бир неча юз миллиард доллар керак бўлади.

Марсга юборилган «Спирит»нинг нархи эса, «Қизил сайёра»га 1976 йили кўнган «Викинг» қурилмасига кетган маблағнинг бешдан бирига тенг, холос.

ВИРУС ТАҲДИД СОЛМОҚДА

2003 йил 5 июль куни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ғайриоддий зотилжам вируси тарқалиши барҳам тоғанини эълон қилган эди. Таассуфки, декабрь ойида Тайванда, шу кунларда эса, Хитойнинг жануби-шарқий вилоятларида ушбу касалликка чалинган беморларнинг қайд қилингани офат бутунлай тугатилмаганлигини кўрсатмоқда.

Хитойнинг Гуандун вилоятида уч бемор вирус юқтирилганлиқда гумон қилиниб, касалхонага ётқизилди. Улардан бири ресторанда хизмат қиларди. Айни пайтда бу бемор Гонконг микробиология лабораториясида текширилмоқда.

ПАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси хабарига қараганда, ЖССТ томонидан Гуандунда ўтказилаётган текширувнинг иккинчи босқичи якунланган. Ҳозирча хулосалар маълум қилингани йўқ. Ташкилотнинг Маниладаги вакили Питер Кординли вируснинг тарқалиб кетиш хавфи катта эканини айтиди.



Турфа олам

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

Bolalik bog'i
TOPISHMOQLAR

*Qo'li yo'q, kuldoni yo'q,
Is-qurum, mo'rkoni yo'q.
Gugurt chertilsa, lov-lov,
Yonar, pokiza olov.*
(ZVG)

*Qo'l bilan tutib bo'lmas,
Havomas yutib bo'lmas.
Osmon bo'ylab tarqalar,
Na belgi, na iz qolar.*
(NLLLL)

*Ichi bo'm-bo'sh,
Doira gumbaz.
Qalab o'tin,
Yoq olov birpas.
U qizigach,
Tap-tap noningni yop!
Bir, ikki, uch,
Bu nimaykin top!*
(TANDIR)

Нон маҳсулотлари ярмаркаси

"Тошкентнон" нон ишлаб чиқарувчилар уюшмасида нон маҳсулотларининг савдо ярмаркаси ташкил этилди. Унга мазкур уюшма корхоналарида тайёрланган бир юз ўттиз хилдан зиёд маҳсулот қўйилди.

Пойтахтимизда махсус лицензия асосида бир ярим мингга яқин шахобча нон маҳсулотлари билан савдо қилмоқда. Сир эмаски, сотувга чиқарилаётган айрим нон ва нон маҳсулотларининг сифати ва туридан харидорнинг ҳамиша ҳам кўнгли тўлавермайди. Бунинг сабабларидан бири мўмай пул орттириш илинжидаги айрим устомонларнинг ноқонуний, яширин цехларда санитария талабларига риоя этмаган ҳолда нон ёпаётганидир.

Икки кунлик ярмаркани ташкил этишдан мақсад ана шундай ҳолларга эътиборни жалб этиш, маҳсулот сифатини ва хилини янада яхшилашдан иборат.

ЎЗА.

КУТУБХОНАЛАР АНЖУМАНИ

Ўзбекистон кутубхоначилар уюшмасида «Кутубхоначилар уюшмаси: тизим, бошқариш ва хизматлар» мавзусида семинар ўтказилди. Тадбир Гёте институти ва Очиқ жамият институти — Ўзбекистон Кўмак жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилди.

Ҳозирги кунда кутубхоналарнинг муҳим ахборот манбаи сифатидаги роли кундан-кунга ортиб бормоқда. Кутубхоначиликда янги ахборот услублари ва илғор ахборот технологияларини ҳаётга татбиқ қилиш, интернет хизматини кўрсатишда тўрт йилдан бери фаолият кўрса-

тиб келаётган Ўзбекистон Кутубхоначилар уюшмасининг ўрни муҳим. Тадбир иштирокчилари бугунги кунда Ўзбекистон кутубхоначилик фаолиятидаги янги бошқариш усуллари, ахборот-кутубхоначилик ишини ислоҳ қилиш каби масалалар билан танишдилар. Бундан ташқари, рес-

публика вилоят ва шаҳарларидан келган кутубхона раҳбарлари кутубхоначилик фаолиятини стратегик режалаштириш, шу соҳа бўйича германиялик ҳамкасбларининг иш тажрибалари, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида маблағ билан таъминлаш, янги аъзоларни жалб этиш масалаларини ўргандилар.

С. НАЗАРХУЖАЕВА,
«Туркистон-пресс».

Қадриятларимиз

Инсоннинг умри кўшиқ билан йўғрилган. У дунёга келган кунидан то сўнги нафасигача кўшиқ оғушида бўлади, яъни кўшиқ уни бешиқдан қабр-гача кузатади. Ҳар бир умр бекатидаги кўшиқнинг ўз таровати, ўз мазмуни бор. Лекин, кўшиқлар ичида энг буюғи, энг улуғи — алладир. Она сути фарзандни оиласи, халқи, ватани олдида бурчдор қилса, алла унинг вужудида меҳр-оқибат, муҳаббат, инсоф, диёнат каби илиқ туйғуларни уйғотади.

Алла она юрагидан, унинг қайноқ тафтидан чиқадиган ашуладир. Бу илиқлик мурғаккина дилбандни мафтун этади ва оромбахш уйку кучоғига элтади. Унинг самимий ва ҳазин мазмуни, мароми ва дилгир оҳанги бўлмаганда, ҳали тили чиқмаган, оламни, сўз ва унинг сеҳрини англамаган гўдакни ўзига ром эта олармиди? Йўқ, албатта.

Она алласининг мазмуни гоят теран бўлганидек, унинг ижроси ҳам шу қадар гўзал. Гўзаллик бор жойда эса, олам мунаввар.

Ҳа, қайси бир хонадонда ярим тунда аёл бешиқ тебратганича алла айтапти... Атроф жимжит, фақатгина оромбахш тўлин ойли кечаларнинг мудроқ нафасини ахён-ахёнда чигирткаларнинг чириллашигина бузади, холос. Табиатнинг жозибадор дамлари волиданинг сокин, ҳазин, дилгир алласи билан музайян этилса, бутун борлиқ — осмондаги тўлин ой, узоқ-узоқларда милтиллаётган юлдузлар, бутун замин, осмону фалак ухлаб ётган бўлса не тонг. Шу уйқудан башариёт барча ёмон хислатларни унутиб уйғонса, қариёт мусаффолиниб, ҳаёт эса, нурли нафаси билан инсонларга, бутун жонзотларга ризқ ато этса, ажаб эмас. Она алласи ана шундай сеҳр-қудратга эга.

Шундан бўлса керак, аллалар мавзунинг камрови шу қадар кенги, уларда фарзандга сиҳат-



ҲАЁТ ҚУШИҒИ

саломатлик, порлоқ келажак тилагидан тортиб, бевафо дунёнинг барча нолалари жо этилган. Мана бу аллага эътибор беринг-а:

**Алла, болам, бахтиёр,
Ҳар нарсанинг вақти бор.
Эрка болам, аллаё,
Серка болам аллаё.**

**Алла боламни боқаман,
Устинга кўрпа ёпаман.
Уйдан кетган отангни,
Энди қайдан топаман.**

Ота — оиланинг устун бўлса, она — иккинчи устун. Бир устун қулса, оиланинг бутун оғирлиги иккинчи устунга тушади. Оила маълум сабабларга кўра ўз отасидан айрилган. Она буни кўзларида нам, қалбидаги армон билан кўшиқ қилмоқда.

Момоларимиз ҳам шоира, ҳам бастакор, ҳам созанда ролини қойилмақом қилиб ижро этиб, аллаларимизни асрлардан асрларга етказиб келдилар.

Шундан келиб чиқиб, савол туғилади: хўш, ҳозирги сингилларимиз оналаримиз

ва момоларимиз айтган аллаларни қуйлай олармикин?

Афсуски, уларнинг (ҳатто 30-40 ёшдаги аёлларимизнинг ҳам) аксарияти алла айтишни билмайди. Ўз фарзандларига аллани ўз оналари, момолари ёки қайноналаридан айтиб беришни сўрашади. Она алласидан баҳраманд бўлмаган боланинг келажаги нима бўлади? Умуман аллани билмаган она фарзандига оналик қила олармикин?!

Бизнингча, мактабларда, ўқув юртларида адабиёт дарсликларига, Одбоннома фанларига аллалардан намуналар киритилса, матбуотда кўпроқ чиқишлар қилинса, нур устига аъло нур бўларди.

**Иброҳим ТУРСУНОВ,
Тошкент Давлат аграр университети ўқитувчиси.**

«Фан ёрдамида хавфсизлик»

Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар марказида ўтказилган семинар доирасида НАТО Илмий кўмитасининг «Фан ёрдамида хавфсизлик» деб аталган янги дастури тақдироти бўлиб ўтди.

Улкан илмий-техникавий салоҳиятга эга мамлакатимиз бу соҳадаги халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда, — деди семинарнинг очилишида Фан ва технологиялар маркази директори ўринбосари, НАТО Илмий кўмитасининг Ўзбекистон томонидан аъзоси Али Охунов. — Шимолий Атлантика иттифоқининг илмий ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Ўтган йили Ўзбекистон олимлари НАТОга аъзо давлатлардаги ҳамкасблари билан бирга энергетика, ахборот технологиялари, янги материалларни яратиш каби йўналишларда қатор тадқиқотларни амалга оширди. Бу мақсадлар учун Илмий кўмита умумий қиймати 500 минг АҚШ долларига яқин миқдорда грантлар ажратди. Республикаимизда унинг шафелигида Марказий Осиё минтақаси учун аҳамиятли бўлган сувдан фойдаланиш, чўлларнинг кенгайишига қарши кураш, энергиянинг ноанъанавий манбалари каби муаммолар юзасидан халқаро семинарлар ўтказилди.

НАТО Илмий кўмитаси Марказий Осиё ва Кавказorti мамлакатлари олимлари иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар учун грантлар сонини кўпайтиришга қарор қилди.

Шунингдек, дастур доирасида долзарб тадқиқотлар бўйича халқаро семинарлар ўтказиш, кўмита томонидан эълон қилинган лойиҳалар танловига келиб тушаётган таклифларни баҳолаш учун экспертларнинг таширфларини уюштириш кўзда тутилмоқда.

**А. ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири.**

Қилмиш-қидирмиш

КўНГИЛ «САРОБИ»

Янгийўл тумани И. Уразов кўчаси, 17-уйда яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган ўспирин Шухрат Мирзааҳмедов кўнгли эгри йўл билан мўмай даромад орттиришни тусаб қолди.

У 5 январга ўтар кечаси «Янгийўлшароб» улгуржи савдо базаси омборхонасидан нархи тахминан 896 минг 328 сўм бўлган спиртли ичимликларни ўмарди. Лекин, тез орада ички ишлар зобитлари гумонланувчини аниқлашиб, ундан ашёвий далиллар топдилар.

Ҳозирда «ишбилармон» Шухрат туман ички ишлар бўлими ходимларига қилмиши юзасидан жавоб бермоқда.

**Абдулазиз ИСЛОМОВ,
Вилоят Ички ишлар бошқармаси
матбуот гуруҳининг инспектори,
милиция лейтенанти.**

Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2004 йил 8 январдаги 11-03-15/21-сонли иши ажримга асосан, Пскент туманида жойлашган «3-сонли механизациялашган кўчма колонна»га нисбатан банкротлик иши кўзгатилади. Шу муносабат билан «3-сонли механизациялашган кўчма колонна» биносида 2004 йил 19 январь соат 10.00 да кредиторлар йиғилиши бўлиб ўтади.

Йиғилишга барча кредиторлар ваколатномалари билан қатнашишлари шарт. Манзил: Тошкент вилояти, Пскент тумани, Т. Полвон кўчаси, 28-уй.

Маълумот учун телефонлар: 134-41-26, 8-254-51-586.

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур туманидаги 85-мактаб томонидан 1988 йилда Дилбар Тулкуновна Юсупова номига берилган № 770391 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«Мирфозил ота» хусусий фирмаси ўз иш фаолиятини

ТУГАТАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида Қибрай тумани, Қизил кўприк кўча, 1-уйда қабул қилинади.

«BIS AVTO» МЧЖ (код КТИТ ОКПО 18583640)

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида қабул қилинади. Манзил: Собир Раҳимов тумани, Турсункулов кўчаси, 6. Тел: 46-43-77.

Миробод туманидаги хусусий тадбиркор «Kadirova Gulnora Utajonova» думалок муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси жамоаси «Ўзпахтасаноат» уюшмаси бошқаруви раиси Эркул Зикриёевга умр йўлдоши

Меҳмон ая ОМОНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзтадбиркорбанк» бошқарувининг Тошкент вилоят бошқармаси маъмурияти ва касаба уюшмаси Келес туман банк бўлими бошқарувчиси

Иброҳим Хўжамбердиевга падарибузруквори

Суюн ота ХўЖАМБЕРДИЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент вилояти клиник шифохонаси жамоаси Бош шифофор Улуғбек Усмоновга турмуш ўртоғи

Дилрабо УСМОНОВАнинг бевақт оламдан ўтганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент вилояти Адлия бошқармаси жамоаси Чирчиқ шаҳар давлат нотариал идорасининг катта нотариуси Римма Чумаринова турмуш ўртоғи

Ринат ЧУМАРИНнинг

фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКОЕ ПРАВДА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУХИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар: 133-70-10, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.